



O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor shaharchasi  
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси, Тел: 41-94-255

2020 йил « 27 » сентябр

№ 861

Янгибозор тумани


Уйғур қишлоғи “Х.Олимжон” маҳалласида яшовчи фуқаро Авазов Мансурбекга қўшимча дала томорқа ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Янгибозор тумани Уйғур қишлоғи “Х.Олимжон” маҳалласида яшовчи фуқаро Авазов Мансурбекнинг туман ҳокими номига қўшимча дала томорқа ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6,10,25 моддаларига асосланиб

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Янгибозор тумани Уйғур қишлоғи “Х.Олимжон” маҳалласида яшовчи фуқаро Авазов Мансурбекга Уйғур қишлоғи “Х.Олимжон” маҳалласида туман захира ерлари ҳисобида турган 334-қисм контурдан 0,13 гектар ер майдони қўшимча томорқа сифатида фойдаланиш учун ажратиб берилсин.
2. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га қўшимча томорқа учун ажратилган ер участкасини жойида (натурада) белгилаб бериш вазифаси топирилсин.
3. Туман давлат Солиқ инспекцияси (А.Ўразбоев)га, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га ушбу қарорга асосан ўз ҳужжатларига қонунда белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.
4. Фуқаро Авазов Мансурбекга туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматидан рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Янгибозор туман хокими



Ў.Курбанов